

**ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc. 04/30.12.2019.Tib.29.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ХОДЖАЕВА НИГОРА АБДУРАШИДОВНА

**БИРИКТИРУВЧИ ТЎҚИМА ДИСПЛАЗИЯСИ БЎЛГАН
БОЛАЛАРДА БИЛИАР ТИЗИМИ ДИСФУНКЦИЯСИНИНГ
КЛИНИК-ПАТОГЕНЕТИК ХАРАКТЕРИСТИКАСИ**

14.00.09-Педиатрия

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Ходжаева Нигора Абдурашидовна

Бириктирувчи тўқима дисплазияси бўлган

болаларда билиар тизими дисфункциясининг

клиник-патогенетик характеристикаси..... 3

Ходжаева Нигора Абдурашидовна

Клинико – патогенетическая характеристика

дисфункции билираного тракта у детей

с дисплазией соединительной ткани..... 23

Xodjayeva Nigora Abdurashidovna

Clinical and pathogenetic characteristics

of biliary system dysfunction in children

with connective tissue dysplasia..... 41

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 46

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc. 04/30.12.2019.Tib.29.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ХОДЖАЕВА НИГОРА АБДУРАШИДОВНА

БИРИКТИРУВЧИ ТЎҚИМА ДИСПЛАЗИЯСИ БЎЛГАН
БОЛАЛАРДА БИЛИАР ТИЗИМИ ДИСФУНКЦИЯСИНИНГ
КЛИНИК-ПАТОГЕНЕТИК ХАРАКТЕРИСТИКАСИ

14.00.09-Педиатрия

ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

ТОШКЕНТ – 2025

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2023.3.PhD/Tib3785 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент педиатрия тиббиёт институти бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.tashpmi.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим портали (www.ziynet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Тахирова Рахотай Норматовна
тиббиёт фанлари номзоди, доцент

Расмий оппонентлар:

Шамансурова Эльмира Амануллаевна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Абдужабарова Зульфия Муратходжаевна
тиббиёт фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Андижон давлат тиббиёт институти

Диссертация ҳимояси Тошкент педиатрия тиббиёт институти хузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.04/30.12.2019.Tib.29.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил «__» _____ куни соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100140, Тошкент шаҳри Юнусобод тумани Боғишамол кўчаси 223-уй. Тел./факс: (+99871) 262-33-14, e-mail: mail @tashpi.uz).

Диссертация билан Тошкент педиатрия тиббиёт институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№__ рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100140, Тошкент шаҳри Юнусобод тумани Боғишамол кўчаси 223-уй. Тел./факс: (+99871) 262-33-14).

Диссертация автореферати 2025 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2025 йил «__» _____ даги ____ рақамли реестр баённомаси).

А. В. Алимов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Х.А. Акрамова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори

Қ.Н. Хаитов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси,
тиббиёт фанлари доктори, профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Билиар тизим касалликлари (Biliary Tract Diseases — BTD) жаҳон миқёсида, айниқса ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан ривожланган давлатларда муҳим тиббий ва ижтимоий муаммолардан бири ҳисобланади. *Global Burden of Disease (GBD)* халқаро лойиҳаси маълумотларига кўра, 1990 йилдан 2019 йилгача бўлган даврда билиар патология ҳолатлари сони 127 миллиондан 193 миллионгача ошган. Шу билан бирга, ногиронликни ҳисобга олган ҳаёт йилларининг йўқотилиши кўрсаткичи (DALYs) 4,6 миллиондан 6,35 миллионгача ўсган. Бироқ, ёшга мослаштирилган эпидемиологик кўрсаткичлар пасайиш тенденциясини намоён этмоқда. Жумладан, тарқалиш даражаси ҳар 100 000 аҳолига нисбатан 2852 ҳолатдан 2351 ҳолатгача, ўлим даражаси 2,40 дан 1,65 гача, DALYs кўрсаткичи эса 106,8 дан 78,3 гача камайган. Бу аҳоли соғлиғига қаратилган ташхис ва профилактика чораларининг самарадорлигини кўрсатади. Билиар тизим касалликлари болаларда учрайдиган гастроэнтерологик патологиялар ичида муҳим ўрин эгаллайди. Эпидемиологик тадқиқотларга кўра, ушбу касалликлар айрим ёш гуруҳларида тарқалиш даражаси ўн минг бола орасида яқка ҳолатлардан тортиб, 10–30% гача етиши мумкин. Мукамал бўлмаган бириктирувчи тўқима дисплазияси (БТД) бўлган болаларда билиар тизимда ҳам мотор-тоник, ҳам анатомик бузилишлар кўпроқ қайд этилади. Қатор тадқиқотлар шундан далолат берадики, билиар дисфункцияси ташхиси қўйилган болаларнинг 50% дан ортиғида БТДга хос клиник ва фенотипик белгилари кузатилади. БТД ва билиар патология ўртасидаги патогенетик боғлиқлик юзага келишига бир нечта омиллар — вегетатив нерв тизими фаолиятидаги бузилишлар, жигарнинг билиар чиқарув тизимидаги бириктирувчи тўқиманинг етишмаслиги ва марказий нерв тизими морфогенезидаги аномалиялар сабаб бўлиши мумкин. Булар, ўз навбатида, ўт оқимининг секинлашуви, билиар слаж шаклланиши ва холелитиазга олиб келиши эҳтимолини оширади. Бироқ, ёш болаларда БТД фонида билиар тизим касалликларининг ривожланиш механизмлари етарлича ўрганилмаган. Бу эса ушбу масалани илмий-амалий жиҳатдан ўта долзарблигини кўрсатади. Жаҳон ва минтақавий даражада олиб борилган тадқиқотларга қарамасдан, БТДнинг билиар тизим тузилиши ва функциясига таъсир кўрсатиш механизмлари тўлиқ ёритилмаган. Шунингдек, болаликда кузатиладиган ушбу патологик ўзгаришларнинг катта ёшда қандай оқибатларга олиб келиши мумкинлиги ҳалигача номаълумлигича қолмоқда. Бу эса узоқ муддатли кузатув ва патогенетик изланишларнинг талаб этилишини белгилайди.

Ҳозирги кунда мамлакатимизда соғлиқни сақлаш тизимини модернизация қилиш, уни халқаро стандартларга мослаштириш, тиббий хизмат сифатини ошириш ва аҳоли учун унинг мавжудлигини кенгайтириш бўйича кенг қўламли ислохотлар амалга оширилмоқда. Тиббиёт соҳасини ҳар томонлама ривожлантиришга қаратилган комплекс дастур доирасида аҳолини биринчи босқичдаги тиббий хизмат билан қамраб олиш ва ҳудудий

мавжудлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Она ва бола соғлигини муҳофаза қилиш, бу соҳада аҳоли эҳтиёжларини қондириш, шунингдек, ихтисослаштирилган тиббий хизматни ривожлантириш устувор йўналишлар сифатида қолмоқда. Мамлакатимизда «... диагностика ва даволашнинг замонавий усулларини жорий этиш, юқори сифатли тиббий хизматларни кўрсатиш, шу жумладан телетибиётни жорий этиш ва ривожлантириш»¹ каби устувор вазифалар белгиланган. Шу муносабат билан, болаларда боғловчи тўқима дисплазияси фонда ривожланадиган билиар дисфункциянинг клиник ва патогенетик механизмларини чуқур ўрганиш жуда муҳим ҳисобланади. Хусусан, ушбу патологияни эрта аниқлашга қаратилган диагностик алгоритмни ишлаб чиқиш алоҳида аҳамият касб этади, бу эса даволаш-профилактика тадбирларининг самарадорлигини ошириш ва болаларнинг ҳаёт сифатини яхшилашга хизмат қилади. Ушбу диссертация тадқиқоти белгиланган вазифаларни ҳал этишга хизмат қилади.

Ушбу тадқиқот маълум даражада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 6 сентябрдаги ПФ-156-сонли “Соғлиқни сақлаш вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони, 2021 йил 6 майдаги ПФ-6221-сонли “Соғлиқни сақлаш тизимида ислоҳотларни изчил давом эттириш ва тиббиёт ходимлари салоҳиятини ошириш учун зарур шароитлар яратиш тўғрисида”ги Фармони, 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сонли “Янги Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси 2022–2026 йиллар учун” Фармони, 2023 йил 8 сентябрдаги ПҚ-296-сонли “Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш, аҳолининг репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарор, 2022 йил 25 апрелдаги ПҚ-215-сонли “Аҳолига биринчи босқич тиббий-санитария ёрдамини яқинлаштириш ва тиббий хизматлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарор ҳамда мазкур соҳани тартибга солувчи бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда назарда тутилган вазифаларни амалга оширишга қаратилган.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожлантиришнинг VI “Тиббиёт ва фармакология” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ва халқаро тадқиқотларга кўра, болаларда билиар тизим касалликлари ҳали ҳам долзарб тиббий-ижтимоий муаммодир. Энг кўп учрайдиган патологиялар қаторига билиар атрезия, ўт йўллари кисталари, Алагилъе синдроми ва холелитиаз киради. Масалан, билиар атрезия Шарқий Осиёда ҳар 5 000, АҚШ ва Европада ҳар 10 000–15 000 болада кузатилади. Билиар дискинезия эса мактабгача ёшдаги болаларнинг 33 %ида учрайди. Бу ҳолатлар эрта ташхис тизими ривожланган мамлакатларда кенг тарқалганини кўрсатади. Бириктирувчи тўқима дисплазияси (БТД) ҳам болалар орасида анча кенг тарқалган. Турли тадқиқотларга кўра, ўсмирларнинг 60–70 % БТД белгилари учрайди. Уларнинг асосий белгилари — бўғим гипермобиллиги,

тери гиперэластиклиги, варикоз тўридан иборат ўзгаришлар, сколиоз ва бошқа маркерлар ҳисобланади. Элерс–Данлос синдроми ҳар 5 000–20 000 кишида, унинг гипермобил тури эса ҳар 500 кишида кузатилади. Билиар дисфункция ва БТД алоҳида яхши ўрганилган бўлса-да, уларнинг ўзаро боғлиқлиги ҳақида етарли маълумот йўқ. ЖССТ ҳам бу ҳолатларнинг биргаликда учраши ҳақида аниқ маълумот бермайди. Бу эса масаланинг тўлиқ ўрганилмаганини ва тадқиқотлар зарурлигини англатади. Биргаликдаги патологияни аниқлаш ва даволаш бўйича асосланган алгоритмлар ишлаб чиқиш замонавий педиатриянинг долзарб вазифасидир.

Сўнгги йилларда МДХ олимлари билиар аномалияларни БТД намоён бўлиши сифатида кўриб чиқишмоқда. Жигар пуфаги деформациялари унинг функциясига таъсир қилиб, асосан гипомотор бузилишларга олиб келади. БТДда ошқозон-ичак тизимида ҳам ривожланиш аномалиялари кузатилади: диафрагма чурраси, дивертикуллар, жигар пуфаги эгилиши ва бошқалар. Россия тадқиқотчилари БТД даражаси билан жигар пуфаги моторикаси бузилиши ўртасидаги боғлиқликни тасдиқлашган. Л.А. Трутиева мактаб ёшидаги болаларда гастродуоденал касалликлар ва ДСТ ўртасида боғлиқликни кўрсатган. Унга кўра, бу касалликлар эрта ва оғир шаклда кечиши боғловчи тўқима бузилишларига боғлиқ.

Ўзбекистонда ҳам БТД бўйича тадқиқотлар олиб борилмоқда. Ахрарова Ф.М. томонидан 2022 ва 2024 йилларда мактаб ёшидаги болаларда юрак БТД ҳолатлари ўрганилган. У аритмиялар, митрал қлапан пролапси, регургитация ва бошқа кардиологик бузилишларни қайд этган.

Диссертация тадқиқотининг бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Ушбу диссертация Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг илмий-тадқиқот ишлари режаси асосида, 2022–2024 йиллар учун мўлжалланган №01.980006703-сонли "Болаларда туғма ва орттирилган касалликларни диагностикалаш, даволаш ва олдини олиш" лойиҳаси доирасида амалга оширилган.

Тадқиқотнинг мақсади бириктирувчи тўқима дисплазияси бўлган болаларда билиар тракт дисфункциясининг (БТД) клиник ва патогенетик хусусиятларини ўрганишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

билиар тизим дисфункцияси билан боғлиқ бириктирувчи тўқима дисплазияси бўлган болаларда клиник ва фенотипик кўринишлар хусусиятларини аниқлаш;

билиар тизим дисфункцияси билан боғлиқ бириктирувчи тўқима дисплазияси бўлган болаларда биокимёвий кўрсаткичлар ва электролит алмашинуви хусусиятларини баҳолаш;

билиар тизим дисфункцияси билан боғлиқ бириктирувчи тўқима дисплазияси бўлган болаларда эхографик тузилиш хусусиятларини аниқлаш;

билиар тизим дисфункцияси билан боғлиқ бириктирувчи тўқима дисплазияси бўлган болаларда прогностик ва диагностик мезонларни ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти билиар тизим дисфункцияси ташхиси қўйилган 159 нафар бола, шулардан 121 нафарда бириктирувчи тўқима дисплазияси бор ва 38 нафарда у мавжуд эмас. Улар мактабгача, кичик ва катта мактаб ёши тоифаларига киради. Тадқиқотлар 2021–2024 йиллар давомида 4-шаҳар болалар клиник касалхонаси ва "Remedium" клиникасида ўтказилган.

Тадқиқотнинг предмети беморларнинг қони, нажаси, УЗИ мониторинг натижалари, зарур ҳолларда бошқа инструментал текширув натижалари.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мақсади ва вазифаларини амалга ошириш учун қуйидаги усуллар қўлланилган: умумий клиник маълумотлар, анамнез, ретроспектив таҳлил; инструментал текширув (УЗИ), қоннинг биокимёвий ва электролит кўрсаткичлари; статистик усуллар ҳамда тадқиқот усулининг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

билиар тизим дисфункцияси (БТД) болаларда бириктирувчи тўқима дисплазияси кенг тарқалганлиги ва болаларда асосий ташқи клиник белгилари суяк тизимидаги ўзгаришлар бўлиб, улар мактабгача ёшда юқори даражада учраши ва эрта ташхисот қилиш учун предикторлар аниқланган, буларнинг қўшимча маркёр сифатида хизмат қилиши исботланган;

қондаги биокимёвий (АЛТ, АСТ, ЛДГ, ишқорий фосфотаза, гидроксипролин) кўрсаткичлар БТДда висцерал ўзгаришлар мавжудлигини кўрсатди ва бириктирувчи тўқима дисплазияси бўлган болаларда ферментлар билан гепатобилиар тизим УТТ параметрлари ўртасида кучли боғлиқлик ($r=0,6426$) аниқланди, бу ферментларнинг касаллик патогенезидаги роли исботланган;

қондаги макроэлементлар мувозанатининг бузилиши, жумладан гипокальцемия ва гипوماгнемия, турли ёшдаги болаларда бириктирувчи тўқима дисплазияси ривожланишига олиб келиши, Са ва Mg етишмовчилиги бириктирувчи тўқимада алмашинув жараёнларининг жиддий бузилишига сабаб бўлиши исботланган;

билиар тизим дисфункцияси ҳолатида бириктирувчи тўқима дисплазияси бўлган болаларни эрта аниқлаш ва бошқариш бўйича амалий алгоритм ишлаб чиқилган ва оғир кечадиган асоратларини 45%га олдини олиши исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат мактабгача ва мактаб ёшидаги болаларда БТД фонида бириктирувчи тўқима дисплазиясини эрта башорат қилиш имконияти асосланган, бу ташхислаш сифатини ошириб, асоратларнинг олдини олишга ёрдам беради. БТД учраши тезлиги ва шаклланиш предикторлари болаларни эрта ташхислашда ва кузатувга мухтож болаларни ажратишда қўлланилиши асосланган;

билиар дисфуноцияси билан БТД бўлган болаларда ёш гуруҳларига қараб қонда Mg даражаси кўрсаткичлари камайганлиги асосланган: $0,58\pm 0,01$; $0,56\pm 0,02$; $0,55\pm 0,03$ ммоль/л. Са даражаси ҳам барча ёшда паст бўлиб, назорат гуруҳлари билан солиштирилганда статистик фарқ асосланган ЎЙК БТД бўлган болаларни текширишда қондаги Са ва Mg миқдори аниқлаш зарурлиги асосланди. Шунингдек гидроксипролин миқдори ошиши асосланган: асосий гуруҳда мактабгача ёшда – $26,14\pm 0,90$ мкг/мл, кичик мактаб ёшида – $22,82\pm 1,03$, катта мактаб ёшида эса – $24,67\pm 2,06$.

УТТнинг юқори самарадорлиги исботланган: ЎЙД БТД бўлган

болаларда эгилиш, букилиш, тортилиш феноменлари 46,2% ҳолатда, айниқса мактабгача (23,1%) ва кичик мактаб ёшида (19%) учраш тезлиги асосланган. Билиар дискинезия билан БТД бўлган болаларда 56,6%, кўпинча ўт пуфаги гипотоник (37,4%) тури гиперкинетик (6,2%) турига нисбатан 5 баробар кўп учраганлиги асосланган.

Бириктирувчи тўқима дисплазияси фонида билиар тизим дисфункцияси бор болаларни эрта аниқлаш ва ривожланишини олдини олиш чора тадбирлари амалий алгоритм ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг натижаларининг ишончлилиги тадқиқотда қўлланилган замонавий ёндашув ва усуллар, назарий маълумотларни олинган натижалар билан мос келиши, олиб борилган текширувларни услубий жиҳатдан ишончлиги, беморлар сонининг етарли эканлиги, статистик текшириш усуллари ёрдамида ишлов берилганлиги, шунингдек, тадқиқот натижаларининг халқаро ва маҳаллий маълумотлар билан таққосланганлиги, чиқарилган хулоса ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Натижаларнинг илмий аҳамияти шундан иборатки, ретроспектив таҳлил ва тадқиқотларнинг клиник, инструментал ва биокимёвий кўрсаткичларини ўрганган ҳолда, билиар тизими дисфункцияси фонида БТДни ривожланиши хавф омиллари аниқланди, эрта ташхис қўйиш мезонлари ишлаб чиқилди, бу педиатрия ва гастроэнтерология соҳасида салмоқли ҳисса яратиш имконини бериш билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти шундаки, натижалар касаллик асоратлари: жигар циррози, ўт йўллари тош касаллиги, ўткир билиар тизими касалликлари, суяк мушак тизими ногиронлигининг камайишини ва ушбу тоифада ҳаёт сифатини ошириш имконини яратилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши: Бириктирувчи тўқима дисплазияси фонида билиар тизим дисфункцияси кузатилган болаларда клиник, биокимёвий ва инструментал ўзгаришларнинг ўрганилган натижалари асосида:

биринчи илмий янгилик: билиар тизим дисфункцияси (БТД) болаларда бириктирувчи тўқима дисплазияси кенг тарқалганлиги ва болаларда асосий ташқи клиник белгилари суяк тизимидаги ўзгаришлар бўлиб, улар мактабгача ёшда юқори даражада учраши ва эрта ташхисот қилиш учун предикторлар аниқланган, буларнинг қўшимча маркёр сифатида хизмат қилиши исботланганлиги Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг Мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2024 йил 25 сентябрдаги №03/307 сонли буйруғи билан тасдиқланган «Бириктирувчи тўқима дисплазияси бўлган болаларда билиар тизим дисфункциясини ташхислашни оптималлаштириш» номли услубий тавсиянома таркибига киритилган ва Шайхонтохур тумани кўп тармоқли марказий поликлиникасида 2025 йил 4 февралдаги №90 буйруқ асосида ва Тошкент шаҳри 4-сонли болалар клиник шифохонасида 2025 йил 1 февралдаги №41 буйруғи билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий-техник кенгашнинг 2025 йил 10 мартаги 13-сон хулосаси). **Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:** БТД бўлган мактабгача ёшдаги болаларда суяк-буғим аломатлари кўп учрашини ва фенотипик белгиларни барвақт аниқлаш билиар

тизим касалликларини ўз вақтида олдини олиб, асоратларни камайишига олиб келади. **Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:** билиар тизим дисфункцияси бўлган болаларда бириктирувчи тўқима дисплазиясининг ташқи белгиларини барвақт аниқлаш касаллик асоратларини олдини олиб, сурункали шаклларнинг камайиши ҳисобига бемор боланинг касалхонада ётиш кунлари қисқарди ва 159 нафар бемор учун 22260000 сўмни иқтисод қилиш имконини берган. **Хулоса:** клиник ва фенотипик белгилар асосида БТДни эрта аниқлаш касалхонада ётиш кунларини қисқартирди ва бир нафар бемор ҳисобига стационарда даволаш учун бюджет маблағларини 140000сўм иқтисод қилиш имконини берган;

иккинчи илмий янгилик: билиар тизим дисфункцияси (БТД) болаларда бириктирувчи тўқима дисплазияси кенг тарқалганлиги ва болаларда асосий ташқи клиник белгилари суяк тизимидаги ўзгаришлар бўлиб, улар мактабгача ёшда юқори даражада учраши ва эрта ташхисот қилиш учун предикторлар аниқланган, буларнинг кўшимча маркёр сифатида хизмат қилиши исботланганлиги Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг Мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2024 йил 25 сентябрдаги №03/307 сонли буйруғи билан тасдиқланган «Бириктирувчи тўқима дисплазияси бўлган болаларда билиар тизим дисфункциясини ташхислашни оптималлаштириш» номли услубий тавсиянома таркибига киритилган ва Шайхонтохур тумани кўп тармоқли марказий поликлиникасида 2025 йил 4 февралдаги №90 буйруқ асосида ва Тошкент шаҳри 4-сонли болалар клиник шифохонасида 2025 йил 1 февралдаги №41 буйруғи билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Илмий-техник кенгашнинг 2025 йил 10 мартаги 13 сон хулосаси). **Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:** бириктирувчи тўқима дисплазияси фонидаги билиар тизим дисфункцияси бўлган болаларда АЛТ, АСТ, ЛДГ, ишқорий фосфотаза ва гидроксипролин миқдорининг ошиши патологик жараёнларни эрта ташхислаш сурункали билиар тизим касалликларини ўз вақтида олдини олади ва бола ҳаётини яхшилайдди. **Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:** аниқланган биокимёвий маркерлар бириктирувчи тўқима дисплазияси бўлган болаларда билиар дисфункцияни эрта аниқлаш асоратларни олдини олди, бемор боланинг касалхонада ётиш кунлари қисқарди ва 159 нафар бемор учун 22260000 сўмни иқтисод қилиш имконини берган. **Хулоса:** ишлаб чиқилган тавсияларни амалиётга жорий этиш, бириктирувчи тўқима дисплазияси бўлган болаларда қўллаш соғлиқни сақлаш ресурсларидан самарали фойдаланишни таъминлаб, бир беморга ўртача 140000 сўм иқтисод қилиш имконини берган;

учинчи илмий янгилик: қондаги макроэлементлар мувозанатининг бузилиши, жумладан гипокальцемия ва гипوماгнемия, турли ёшдаги болаларда бириктирувчи тўқима дисплазияси ривожланишига олиб келиши, Са ва Mg етишмовчилиги бириктирувчи тўқимада алмашинув жараёнларининг жиддий бузилишига сабаб бўлиши исботланганлиги Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг Мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2024 йил 25 сентябрдаги №03/307 сонли буйруғи билан тасдиқланган «Бириктирувчи тўқима дисплазияси бўлган болаларда билиар тизим дисфункциясини ташхислашни оптималлаштириш» номли услубий тавсиянома таркибига киритилган ва Шайхонтохур тумани кўп тармоқли

марказий поликлиникасида 2025 йил 4 февралдаги №90 буйруқ асосида ва Тошкент шаҳри 4-сонли болалар клиник шифохонасида 2025 йил 1 февралдаги №41 буйруғи билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги Илмий-техник кенгашнинг 2025 йил 10 мартаги 13-сон хулосаси). **Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:** билиар тизим дисфункцияси ва бириктирувчи тўқима дисплазияси бўлган болаларда аниқланган макроэлементларнинг ўзгариши ушбу патологияни эрта аниқлаш ва асоратлар ривожланишини олдини олиш имконини беради. **Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:** бириктирувчи тўқима дисплазияси бўлган болаларда билиар тизим дисфункциясини ташхислашни оптималлаштириш бемор боланинг касалхонада ётиш кунларини қисқартирди ва 159 нафар бемор учун 22260000 сўмни иқтисод қилиш имконини берган. **Хулоса:** ишлаб чиқилган тавсияларни амалиётга жорий этиш, бириктирувчи тўқима дисплазияси бўлган болаларда қўллаш соғлиқни сақлаш ресурсларидан самарали фойдаланишни таъминлаб, бир беморга ўртача 140000 сўм иқтисод қилиш имконини берган;

тўртинчи илмий янгилик: билиар тизим дисфункцияси ҳолатида бириктирувчи тўқима дисплазияси бўлган болаларни эрта аниқлаш ва бошқариш бўйича амалий алгоритм ишлаб чиқилганлиги Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг Мувофиқлаштирувчи эксперт кенгаши томонидан 2024 йил 25 сентябрдаги №03/307 сонли буйруғи билан тасдиқланган «Бириктирувчи тўқима дисплазияси бўлган болаларда билиар тизим дисфункциясини ташхислашни оптималлаштириш» номли услубий тавсиянома таркибига киритилган ва Шайхонтоҳур тумани кўп тармоқли марказий поликлиникасида 2025 йил 4 февралдаги №90 буйруқ асосида ва Тошкент шаҳри 4-сонли болалар клиник шифохонасида 2025 йил 1 февралдаги №41 буйруғи билан амалиётга жорий этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги Илмий-техник кенгашнинг 2025 йил 10 мартаги 13 сон хулосаси). **Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги:** билиар тизим дисфункцияси ва бириктирувчи тўқима дисплазияси бўлган болаларда макроэлементлар, биокимёвий маркерлар ва УТТ параметрлари ўртасидаги боғлиқликларнинг аниқланиши асосида ишлаб чиқилган алгоритм касалликни эрта ташхислашга, функционал бузилишлар ва сурункали патологиянинг ривожланишини олдини олиб, болалар ҳаёт сифатини яхшилади. **Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги:** билиар тизим дисфункцияси ва БТ дисплазияси бўлган болаларда ишлаб чиқилган алгоритмни амалиётга жорий этиш натижасида боланинг касалхонада ётиш кунларини қисқартирди ва 159 нафар бемор учун 22260000 сўмни иқтисод қилиш имконини берган. **Хулоса:** ишлаб чиқилган алгоритмни қўллаш, ташхис тактикасини индивидуаллаштириш соғлиқни сақлаш ресурсларидан самарали фойдаланишни таъминлаб, бир беморга ўртача 140000 сўм иқтисод қилиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация ишлари материаллари 3 та халқаро илмий-амалий анжуманда муҳокама қилинган ва тақдим этилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация материаллари асосида 10 та илмий мақола нашр этилган, шулардан 8 таси журнали мақолалар ва 2 таси тезисдир. Улардан 4 таси Республика

миқёсидаги, 4 таси эса хорижий журналларда чоп этилган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан фалсафа фанлари бўйича (PhD) илмий даража олиш учун диссертацияларнинг асосий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш қисми, 5 та боб, якуний хулоса, хулосалар, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг умумий ҳажми 99 бетни ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ


Кириш қисми ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва заруратини асослашга, текшириш мақсади ва вазифалари, объект ва параметларини тавсифлашга бағишланган, тадқиқотнинг Республика фан ва технологияларининг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган. Тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши ҳақида маълумотлар асослаб берилган.

Диссертациянинг **"Бириктирувчи тўқима дисплазияси фонида ўт йўллари касаллигининг долзарб муаммолари (адабиётлар шарҳи) "** деб номланган **биринчи боб**да ўрганилаётган муаммо бўйича масаланинг ҳозирги ҳолати ҳақидаги замонавий ғоялар таҳлил қилинган адабиётлар шарҳи келтирилган. Билиар тизим касалликларининг эрта ташхислашнинг устувор йўналишлари, уларнинг намоён бўлиш тезлиги ва тузилиши, башоратлаш ва олдини олиш масалалари, шунингдек, билиар йўл туғма аномалияларининг клиник турларини аниқлаш ва шунга мос равишда уларнинг ривожланишининг асосий сабабларини аниқлаш учун таҳлилий маълумотлар баён этилган. БТДнинг (бириктирувчи тўқима дисплазияси) шаклланиши ва унинг болалар ва ўсмирлар патологиясидаги ўрни ҳақида таҳлилий маълумотлар тақдим этилган бўлиб, БТДни аниқлаш учун самарали ва содда алгоритм мавжуд эмас деган хулосага келиш имконини беради. Сўнгги йилларда висцерал аъзоларнинг бириктирувчи тўқима дисплазияси синдромининг асосий кўринишлари ҳақида кўплаб нашрлар бўлишига қарамай, ҳозирги кунгача ЎЙК (ўт йўллари касалликлари) бўлган болаларда БТД ни эрта ташхислаш билан боғлиқ кўплаб саволлар долзарб бўлиб қолмоқда, бу эса ушбу тадқиқотларнинг асосий сабаби бўлиб хизмат қилди.

Диссертациянинг иккинчи **"Материал ва текшириш усуллари"** Тадқиқотда 3–16 ёшли 159 нафар бола (52,2% ўғил, 47,8% қиз) иштирок этди. Улар холецистит, билиар аномалиялар, ўт йўллари дискинезияси ва сладж синдроми каби билиар патологиялар билан оғриган. Беморлар тасодифий усулда танланган. Уларнинг 121 нафарида БТД мавжуд бўлиб, асосий гуруҳни, 38 нафарида эса БТД бўлмаган бўлиб, қиёсий гуруҳни ташкил этди. Назорат гуруҳига соғлом 30 бола киритилди. Ташхис Рим консенсуси (1999) бўйича қўйилди. Клиник, анамнестик, лаборатор, биокимёвий ва УТТ тадқиқотлар ўтказилди. Тадқиқот ТошПТИ Педиатрия кафедрасида ва Тошкент шаҳар 4-сонли болалар шифохонаси ҳамда 44-сонли поликлиникада

амалга оширилди. Корреляция таҳлили Спирман ва Кендэл усуллари асосида, статистик таҳлил «OpenEpi 2009, Version 2.3» ва «Doctor Stat 2013, Version 1.9». дастури орқали бажарилди. Кўпчилик болалар уюшмаган (78%), асосан ишчи (61%) ва хизматчи (31%) оилалардан бўлиб, шаҳар аҳолисини (79%) ташкил этди. Анамнезда 46% болада гипоксия, 7%да кесар кесими, 54%да сунъий ёки аралаш озиклантириш қайд этилди. Преморбид фонда рахит (27%), анемия (22%), гипотрофия (6%) ва экссудатив диатез (12%) учради. Объектив текширувда 25%да тилда оқ қараш, 21%да стоматит, 5%да томоқ гиперемияси кузатилди. Баъзи беморларда қусиш, эпигастрал соҳада оғриқлар, жигар (61,3%) ва талоқ (15,8%) катталашини, найча бузилишлари кузатилди, аммо патоген микрофлора аниқланмади. Шундай қилиб, анамнестик ва клиник маълумотлар билиар патологиянинг БТД билан боғлиқлигини, унинг ёшга хос хусусиятларини ва тарқалиш хусусиятларини аниқлашга имкон берди.


Диссертациянинг **"Болаларда бириктирувчи тўқиманинг дифференциаллашмаган дисплазиясида билиар тизими касалликларининг хусусиятлари"** деб номланган учинчи бобда турли ёшдаги болаларда ЎЙК билан биргаликда БТДнинг тарқалиши, шунингдек, ўт йўллари тизимининг яллиғланиш турлари ва хусусиятлари, касалликнинг клиник кўринишларига қараб бириктирувчи тўқима дисплазиясида ўт йўллариининг клиник-патогенетик хусусиятларини аниқлаш бўйича тадқиқот натижалари келтирилган. 3.1 расмда аниқ акс этганидек, барча ёшдаги болаларда билиар тизимнинг функционал бузилишлари - ўт йўллари дискинезияси (ЎЙД) учраши 56,6% (90), ўт йўллари нуқсонлари ривожланиши (ЎЙН) 34% (54), сладж синдроми (СС) 6,2% (10) ва холецистит касаллиги 3,1% (5), ($p < 0,05$) ташкил этди.



Расм 3.1. Кузатувдаги болаларда билиар тизим дисфункцияси жинсдан қатъи назар учраши.


Болаларнинг ёшига нисбатан ажратилган гуруҳлари орасида ЎЙД мактабгача ёшдаги болаларда нисбатан сезиларли даражада 58 (36,4%) юқори бўлди, шу билан бирга кичик мактаб 15,7% (25) ва катта мактаб 4,4% (7) ёшидаги болаларда учраш тезлиги сезиларли даражада фарқланди. Бирок, мактабгача ёшдаги болаларда камдан-кам ҳолларда 0,6% (1) сладж синдроми (СС) кузатилди. Бу кўрсаткич кичик мактаб ёшидан 3,1% (5) ва катта 2,5% (4) мактаб ёшидаги болалар билан бир хил бўлди. Эҳтимол, бу кўрсаткичлар, анамнезда ўтказилган ўткир инфекциялар муносабати билан, турли дори воситаларини қўллаганлиги, ошқозон-ичак трактининг микрофлорасини бузилиши, шунингдек бола организмнинг иммун қаршилигини сезиларли даражада пасайиши каби омиллар бўлиши мумкин. Буларнинг барчаси гепатобилиар тизим функциясининг бузилишига олиб келади, бунда бола қанчалик кичик бўлса, бу кўрсаткич кўпроқ акс этди.

Кузатувдаги умумий болалар сонидан (расм 3.2.) БТД белгилари бўлмаган ЎЙД - 23,9% (38) (қиёсий гуруҳи) ва БТД белгилари бор ЎЙД - 76,1% ни (121) ташкил этди (асосий гуруҳ).




Расм.3.2. Кузатувдаги болаларда ёшига нисбатан ЎЙК учраши (n=159-100%, P<0.05)

Олинган натижадан кўриниб турибдики, қиёсий гуруҳи болаларда асосий гуруҳ болаларига нисбатан 3 баравар кам - 23,9% кўрсаткични ташкил этди ($p < 0,05$). Шу билан бирга, асосий гуруҳда мактабгача ёшдаги болалар кўпроқ фоизни - 46,5% ташкил этди, қиёсий гуруҳи болалари эса 13,2% ташкил этди. Асосий гуруҳнинг кичик мактаб ёшидаги болалар 24,5%, қиёсий гуруҳида кичик мактаб ёшидаги болалар атиги 6,2% ташкил этди. Юқори синф ўқувчилари орасида асосий гуруҳда болалар 5% аниқланди, шу билан бирга бу қиймат худди шу ёшдаги қиёсий гуруҳида учраши 4,4% ни ташкил этди.



Расм 3.3. Кузатувдаги болаларда ёшига нисбатан ЎЙД учраш тезлиги (n=159-100%)


Тадқиқотимизнинг кейинги босқичи (расм 3.4.) текширилатган болалар гуруҳларида ЎЙД билан бириктирувчи тўқима дисплазиясини клиник баҳолашдан ва таҳлил қилишдан иборат бўлди. Аксарият ҳолларда клиник кўринишлари гастроэнтерологик симптомлар билан кечган. ЎЙДда (n=69) қуйидаги симптомлар энг кўп намоён бўлди: қусиш - 25%, кўнгил айнаши - 65%, хуружсимон оғриқлар, ўртача интенсив, давом этмайдиган, айнан кўп ва ёғли овқат истеъмоли билан боғлиқлиги - 94%, эпигастрал соҳада оғриқ - 2%, мактабгача ёшдаги болаларда оғриқ ушбу патологияда қориннинг бутун соҳасида жойлашган ($p < 0,05$). Катта мактаб ёшидан болаларда 45% қабзият учраган.



Расм 3.4. ЎЙД бўлган болаларда клиник аломатларнинг учраши (n=69)

Олинган натижаларга кўра, ЎЙК орасида ЎЙН бўлган болаларда (расм 3.5.) (n=40) қуйидаги симптомлар аниқланди: кўнгил айнаши 13% ва қусиш - 13%, шунингдек қабзият - 37% оғриқ синдроми - ўнг қовурға ости соҳасидаги оғриқлар - 11%, эпигастрал соҳада маҳаллий оғриқ - 28%, ўртача даражадаги хуружсимон оғриқлар, узоқ давом этмайдиган, қайталанувчи


оғриқлар - 35%. Оғриқ овқатланиш билан аниқ боғлиқ бўлиб, спазмолитикларнинг юқори самарадорлиги 100% ни ташкил этди.



Расм 3.5. ЎЙН бўлган бўлган болаларда клиник аломатларнинг учраши (n=40)


Сладж синдромида (n=9) аксарият болалар 86% ҳолатда шикоят қилишмаган, аммо 14% болаларда клиник кўринишлар бўлган ва қусиш - 1%, кўнгил айнаши - 10%, ўртача интенсивликдаги оғриқлар - 27%, узоқ давом этмаган, кўпинча ёғли ва кўп овқат истеъмол қилиш билан бо-лиқлиги, қабзиятга - 7% ($p < 0,05$) шикоят қилган. Болаларда холецистит касаллигининг клиник таҳлили (n=5) куйидаги симптоматик маълумотларни кўрсатди: қусиш - 25%, кўнгил айнаши - 65%, ўртача интенсивликдаги хуружсимон оғриқлар, қисқа муддатли, кўпинча мўл ва ёғли овқат истеъмоли туфайли - 94%.

БТДнинг етакчи клиник кўринишлари (расм 3.6) суяк-бўғим тизими томонидан кузатилди. Асосий гуруҳда бўғимлар гипермобиллиги мактабгача ёшдаги болаларда 93,2%, ва мактаб ёшидан катта болаларда 87,5% ($p < 0,05$) учраган. Шунингдек, кичик мактаб ёшидаги болаларда 64,1% ташкил этди ($p < 0,05$). Асосий гуруҳда кифоз мактабгача ёшдаги беморларнинг 75,6% да учраган бўлса, кичик мактаб ёшида кифоз, сколиоз ва эрта кариес белгиси 100% беморларда бир хил тезликда кузатилди ($p < 0,05$). Асосий гуруҳдаги катта ёшдаги болаларда ҳам худди шундай юқори кўрсаткич қайд этилди. Бу гуруҳ болаларида тиш ўсишининг бузилиши айниқса кичик мактаб ёшидаги 82% ва катта мактаб ёшидаги болаларида 100% юқори даражада кузатилди. Аммо мактабгача ёшдаги болаларда 4 марта кам (22,9%), ($p < 0,05$) аниқланди. Бурун тўсиғининг қийшайиши, қулоқ чети ва кичик супрачалар каби белгилар ҳам асосий гуруҳ болаларида тез-тез учради, айниқса юқори синф ўқувчиларида 100% ишончли аҳамиятга эга бўлди ($p < 0,05$). Мактабгача ва кичик мактаб ёшидаги болаларнинг асосий гуруҳида бармоқлар номутаносиблиги ва жимжиллоқларнинг қийшайиши ҳам бир хил тезликда учради (мос равишда 12,16% ва 2,5%, 10% ва 2,5%, $p < 0,05$)



Расм 3.6. Асосий гуруҳдаги болаларнинг ёшига қараб ДСТ клиник кўринишларининг учраши.

Қиёсий гуруҳларида (расм 3.7.) эса бу белгилар болаларнинг барча ёш гуруҳларида, шунингдек бўғимларнинг гипермобиллиги ҳам учала ёш гуруҳида кузатилмади.



Расм 3.7. Қиёсий гуруҳдаги болаларининг ёшига қараб БТД клиник кўринишларининг учраш

Бизнинг тадқиқотларимиз таҳлили шуни кўрсатдики, асосий гуруҳда ушбу клиник кўринишларнинг учраш тезлиги ўғил болалар ва қизлар ўртасида

сезиларли фарқларга эга бўлмади. Қиёсий гуруҳида эса 22 (13,8%) нафар ўғил болаларда ташқи фенотипик белгилар кизларга нисбатан бироз устунлик қилди. Аммо бу ЎЙК да БТД гендер жиҳатдан сезиларли фарқларга ва касаллик кечишининг клиник хусусиятларига эга бўлишини кўрсатмайди. Ҳозирги кунга қадар кўплаб олимлар БТДни организмнинг турли тизимлари патологиясида коморбид ҳолат деб ҳисоблаб келмоқда.

Биз томондан ўтказилган қиёсий баҳолаш шуни кўрсатдики, ташқи фенотипик кўринишлар асосий болалар гуруҳида юқори даражада учради, улар ушбу касалликни ташхислашда эрта аниқлаш мезони бўлиб хизмат қилиши мумкин. Бу эса беморни консерватив даволашда ҳам, билиар йўл касалликларини жарроҳлик аралашувида ҳам БТД мавжудлигини ҳисобга олиш кераклигини кўрсатади. Бундай белгиларга эга беморлар ички аъзолар ҳолатини комплекс баҳолашга муҳтож, чунки кўпинча БТД билан боғлиқ нуқсонлар аниқланади.

Маълумки, қон плазмасида ишқорий фосфатаза фаоллигининг ошиши деярли ҳар доим жигар ҳужайралари зарарланиши ва билиар тизим дисфункцияси ёки суяк-бўғим тизими патологик жараёнларининг асосий маркерларидан бири ҳисобланади. ЎЙК билан оғриган болаларнинг асосий гуруҳида қонда умумий ишқорий фосфатаза даражаси ошган ва ёш жиҳатидан бир хил ўсиш тенденциясига эга бўлган. Мактабгача ёшдаги болаларда бу кўрсаткич $454,78 \pm 7,93$ ЕД/л ни, кичик мактаб ёшидаги болаларда бу кўрсаткич $467,33 \pm 13,01$ ЕД/л ни ва юқори синф ўқувчиларида $443,67 \pm 16,6$ ЕД/л ни ташкил этди ($P < 0,05$). Болаларнинг қиёсий гуруҳида бу кўрсаткич мактабгача ёшдаги болаларда $480,04 \pm 7,9$ ЕД/л, кичик мактаб ёшидаги болаларда бу кўрсаткич $436,8 \pm 15,2$ ЕД/л ва юқори синф ўқувчиларида $456,18 \pm 14,68$ ЕД/л ни ташкил этди ($P < 0,05$). Асосий ва қиёсий гуруҳ болаларида қондаги умумий ишқорий фосфатаза даражаси соғлом болаларга қараганда 2 барабар юқори бўлди ($202,2 \pm 11,02$ ЕД, $200,7 \pm 10,03$ ЕД, $186,3 \pm 9,12$ ЕД, мос равишда $P < 0,05$).


